

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 336.748.4 (575.1)

**НАРЗУЛЛАЕВ ФАЗЛИДДИН ФАЙЗУЛЛО ЎҒЛИ**

**Ўзбекистонда инфляцияга қарши сиёсат дастакларини  
такомиллаштириш**

**5А 230103 – “Макроиқтисодиёт”**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.А. Якубов**

Тошкент – 2019

Ушбу диссертацияда антиинфляция сиёсатини амалга оширишнинг назарий жиҳатлари, афзалликлари ва халқаро тажриба, шунингдек келгусида амалиётда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки дуч келиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил этилган. Амалий нуқтаи назардан ўрта ва узок муддатли истиқболда пул-кредит сиёсатининг имкониятлари ва асосий устунликлари баҳоланади. Антиинфляция сиёсатини амалиётга тўлиқ тадбиқ этишда муваффақиятга эришиш учун дастлабки зарурий фундаментал шартшароитлар ва инструментларни ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

The thesis describes the theoretical aspects, advantages and international experience of implementation of anti-inflation policy, as well as the challenges faced by the Central Bank of Uzbekistan. From a practical point of view, we assess capability and priorities of monetary policy in Uzbekistan in the medium and long term. Particular emphasis is placed on a comprehensive analysis of the institutional pre-conditions and tools required for the successful implementation of full-fledged anti-inflation policy.

В диссертации описаны теоретические аспекты, преимущества и международный опыт реализации антиинфляционной политики, а также проблемы, стоящие перед Центральным банком Узбекистана. С практической точки зрения мы оцениваем возможности и приоритеты денежно-кредитной политики в Узбекистане в среднесрочной и долгосрочной перспективе. Особое внимание уделяется всестороннему анализу институциональных предпосылок и инструментов, необходимых для успешной реализации полноценной антиинфляционной политики.

Магистрлик диссертация иши “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

7 - сонли баённома «30» май 2019 йил

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. И.А.Якубов, И.А.Якубов «30» 05 2019 йил

Магистрант: Ф.Ф.Нарзуллаев

Ф.Ф.Нарзуллаев «30» 05 2019 йил

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ДАСТАКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>7</b>
1.1. Инфляция ва инфляцияга қарши сиёсатнинг моҳияти, шакллари ҳамда омиллари.....	7
1.2. Инфляциянинг турлари, келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари.....	15
1.3. Инфляцияга қарши сиёсат усуллари ва дастаклари.....	21
1-боб бўйича хулосалар.....	21
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ДАСТАКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>30</b>
2.1. Ўзбекистонда инфляцияга қарши сиёсатнинг долзарблиги.....	30
2.2. Ўзбекистон Республикасидаги инфляция суръатлари таҳлили.....	36
2.3. Ўзбекистонда инфляция даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	42
2-боб бўйича хулосалар.....	50
<b>III БОБ. МАМЛАКАТДА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ДАСТАКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b> .....	<b>51</b>
3.1. Инфляцион таргетлаш бўйича халқаро тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.....	51
3.2. Инфляцияга қарши сиёсат дастакларини такомиллаштириш чоралари.....	58
3-боб бўйича хулосалар.....	63
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>65</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>67</b>

## КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Инфляция даражасини баҳолаш ва инфляцияга қарши сиёсат, унинг муаммолари ва ўзгаришлар жараёни ҳамда моҳияти мос ҳолда янгича тус олмакда. Ушбу муаммо айниқса, Ўзбекистон учун долзарбдир, чунки товарлар ва хизматлар баҳосини кескин равишда ошиб кетмаслиги масаласи барча йўналишдаги ислохотларнинг бош мақсади сифатида қўйилган. Шунингдек, давлатимиз томонидан инфляцияга қарши сиёсат олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётида юзага келган мураккаб шарт-шароитларда макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишни ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига жаҳон иқтисодий маконида мамлакатимиз ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлишига эришиш учун иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг тақрибий тузилишини янада такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида илмий тақиқотлар кўламини кенгайтириш талаб этилади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизида қўйилган вазифалар қаторида валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш ва соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

“Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

Биринчидан, биз макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт.